

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Павел Беньков номидаги РИРМ директори

Комиссия ради

У.Б.Хакимов

2022 йил

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Павел Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаб
“Б” блокининг эшинлари ва хожатхоналарни жорий таъмишлаш бўйича энг яхши
таклифлар танлови ўтказиш

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур хужжат Павел Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаб (кейинги ўринларда танлаш деб юритилади), жумладан танлаш таклифларини бериш, уни расмийлаштириш, кўриб чиқиш ва баҳолаш, танлов натижалари бўйича шартнома тузиш тартибини белгилайди.

1.2. Павел Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаб “Б” блокининг эшиклари ва хожатхоналарни жорий таъмишлаш бўйича энг яхши таклифлар танлови ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ти Қонуни талаблари асосида ўтказилади.

2. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби

2.1. Танлаш иштирокчилари (мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлаш талабларида кўрсатилган ишларни бажариш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар) нинг таклифлари ип билан тикилган, ракамланган, муҳр қўйилган ва талабгорнинг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир вараги имзоланган ҳолда ва муҳрланган конвертларда (конвертнинг елиманланган жойига талабгорнинг муҳри босилади) тақдим этилади, унда техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлигига оид маълумотлар тёхник ва тижорат таклифлари билан бирга Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани Фуркат кўчаси 6-йй манзил бўйича тақдим этилади.

2.2. Таклифлар солинган конверт танловни ташкиллаштириш ва ўтказишга масъул шахсга рўйхатга олиш китобида топширувчи (ишончномасига асосан) ва қабул килувчи шахслар имзоси остида, қабул қилишнинг санаси ва вақтини қайд этиш йўли билан қабул килинади.

2.3. Танлов талабгори битта лотга факат битта таклиф беришга ҳақли.

2.4. Танлов талабгори тақдим этилаётган маълумот ва ҳужжатларнинг ҳакиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

2.5. Танлов талабгори тақдим этилган таклифларни бериш мuddати тугагунига кадар берилган таклифни чакириб олишга ёки унга ўзгаришилар киритишга ҳақли.

2.6. Танловга таклифларни қабул қилиш элонда кўрсатилган вақтда тутатилади.

3. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

3.1. Шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги.

3.2. Шартнома тузиш учун қонуний ҳукукка эгалик

3.3. Соликлар ва йиғимларни тूлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги.

3.4. Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги

3.5. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

4.6. Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш.

4. Харид қилиш хужжатлари ва харид қилиш тартиб-таомиллари юзасидан тушунтиришлар

4.1. Иштирокчилар харид қилиш хужжатлари ва танлаш юзасидан тушунтиришлар олиш учун мурожаат қилиши ҳақли ва тушунтириш бериш тўғрисида сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида, лекин таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга сўров шакли билан бир хил шаклда жавоб тақдим этилади. Тушунтиришлар олиш учун сўров шакли билан бир хил шаклда жавоб тақдим этилади. Тушунтиришлар олиш учун мурожаат қилиш тугайдиган сана таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир кун олдинги кун ҳисобланади.

5. Иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлатиш шартлари.

5.1. Харид комиссияси ёки давлат харидлари электрон тизимининг оператори иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлатади, агар:

У тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса унда соликлар ва йиғимларни тूлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;

ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса; иштирокчи харид қилиш хужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор кабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг кўлланилишига таъсир ўтказиш максадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа кимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қиласа, берса ёки беришга розилик билдирса;

иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки конунчиликни бузган холда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилланганлик холлари аниқланса.

6. Танлаш предмети

6.1. Шайхонтохур тумани Павел Бенков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаб “Б” блокининг хоналари ва йўлакларини жорий таъмирлаш.

6.2. Шайхонтохур тумани Павел Бенков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаб “Б” блокининг хоналари ва йўлакларини жорий таъмирлаш бўйича тақдим этиладиган максимал нарх 632 000 000 (маҳкур нарх барча солик ва мажбурий тўловларни ҳисобга олган холда)

7. Бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот

7.1. Буюртмачи – Павел Бенков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаб

Манзили:100021, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани Фуркат кӯчаси 6-й. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – давлат ҳаридлари бўйича ходим Тогаев Бахтиер Тел: 93 533-23-33 (09:00 дан 18:00 гача)

7.2. Танлаш Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани Фуркат кӯчаси 6-й, эълон муддати тугаган кундан бошлаб бир иш кунидан кейинги кун (якшанба кунлари дам олиш куни ҳисобланади) соат 15:00да ўтказилади.

7.3. Хизматнинг муқобил варианatlари смета асосида.

7.4. Танловда иштирок этиш учун таклифлар узбек ва рус тилларида бўлиши шарт.

8. Ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта, тўлов тартиби ва ўтказиб бериш шартлари.

8.1. Ҳисоб-китоблар миллий валюта сўмда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тарзида амалга оширилади шунингдек, тўлов ва кафолатлар шартлари бўйича шартнома тузилгандан сўнг 5 иш кунида 30% олдиндан тўлов амалга оширилади. колган 70% пул маблағлари иш якунлангандан сўнг 10 банк иш кунида тўлик ўтказиб берилади.

8.2. Иштирокчи танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

8.3.Иштирокчи танлашда ғолиб чиқсан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

9.Танлов иштирокчиларининг баҳолаш мезони

Мазкур мезон Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги ЎРҚ 684-сон “Давлат ҳаридлари тўғрисида”ги қонунга асосан ишлаб чиқилган.

Баҳолаш мезони Павел Беньков номидаги РИРМ қўйилган хизматни бажариш максадида иштирок этиш истагини билдирган муносаб номзодларни танлаб олишни белгилайди.

Танлов деганда шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни (ишни сифатли ўз вақтида, реал бажариш)ни таклиф қилган иштирокчи ғолиб топиладиган ҳарид килиш тартиб тамоилини амалга оширишнинг тури тушинилади.

Иштирокчилар куйидаги хужжатларни конвертда ёпик-мухирланган холатда кузатув хати билан тақдим этишлари лозим. (Танлов иштирокчиларининг таклифлари ин билан тикилган, ракамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир варағи имзолangan ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.)

1. Номзод ҳўяжалик юрутувчи субъектнинг Устави нусхаси.
2. Гувоҳнома нусхаси.
3. Танлов комиссия раиси номига танловда иштирок этиш бўйича мурожаат хати (firmennyy blank).
4. Кафолат хати.
5. Танлов жараёнида ташкилот (жамият) раҳбарининг иштирок эта олмаслик холати кузатилса, тасдиқланган ишончнома орқали танловда иштирок этиш ваколати танловда иштирок эта оладиган вакилга берилганилиги.
6. Танлов иштирокчиларининг таклиф қилган корхонасининг энг камида бир йиллик тажрибага эга бўлишилиги.
7. Танлов иштирокчиси шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, базаси борлиги ҳакида ташкилотга тегишилиги ҳакида маълумот.
8. Карататека -2 да қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот.
9. Кадрларга оид ва бошқа ресурсларнинг борлиги, шунингдек ишчиларнинг 3 йилдан кам бўлмаган стажга эга эканлиги ҳакида маълумот (мехнат дафтарча нусхаси)

10. Солиқлар ва бошқа мажбурий тұловларни тұлаш бүйіча қарздорлик йүклиги
11. Үзига нисбатан банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд әмаслиги
12. Лицензияси мавжудлігі (Агар лицензиялаш талаб этилган бўлса)
13. Тижорат таклифида ҚҚС бор йўклиги тўлиқ кўрсатилиши лозим.
14. Ишни бажариш учун смета хужжатлари (оферта)
15. Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий, тўлиқ маълумот
16. Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати тўғрисида маълумот (тасдиқловчи хужжатларни тақдим қилган холда) ваколатли орган томонидан тасдиқланган.

Тақдим этилиши лозим бўлган хужжатларнинг 1; 2; 3; 7; 10; 11; 15; -ракамдаги талаблардан бири тақдим этилмаган тақдирда номзодга кейинги босқичга ўтишга рухсат берилмайди.

Танлов иштирокчиларини ҳозир бўлган ваколатли вакиллари ўзларининг иштироки ҳақида гувохлик белгиси сифатида реестрга ўз имзоларини кўйишлари керак.

Таклифни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги хабарномалар берилган тақлифлар очилмайди. Йиғма жиллар таркибини ўрганиш ва баҳолаш, шунингдек танлов ғолибини аниклаш ёпиқ йигилишларда амалга оширилади. Танлов тақлифларини ўрганиш ва баҳолашга оид ахборот ошкор қилинмайди, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тақдим этилган тақлифлар очилгунга кадар бутлиги учун жавобгарлик танлов ташкилотчиси зиммасида бўлади.

Тақлифларни баҳолаш даври танлов тақлифлари очилган қундан этборан узоғи билан 3 кунни ташкил этади.

Танлов комиссияси ташқи конверти (1-иғма жилд хужжатларини) очади, тақлифларни тўғри тўлдирилганлиги, имзоланганлиги ва умумий ҳолати юзасидан ўрганади, танлов иштирокчилар малакасини баҳолаш амалга оширади.

Малака баҳоланганидан сўнг малакадан ўтган ва 2 иғма жилдни очишга рухсат олган танлов иштирокчилари элон қилинади.

Танлов комиссияси 1-иғма жиллар таркибини ўрганиш ва баҳолаш натижалари эълон қилинмасдан олдин танлов иштирокчиларнинг 2-иғма жилларини очишга ҳаққи йўқ.

Танлов комиссияси ички конверти (2-иғма жилд хужжатларини) очади, уларни ўрганади, баҳолашни ўтказади, ғолиби аниқлади ёки бошқа қарорларни кабул қиласи.

Малака танловидан ўтган номзодларнинг тақдим этилган хужжатлари қўйидаги тартибда баҳоланади.

Тақдим этилиши лозим бўлган хужжатларнинг тўлиқлиги - 20 баллгача

Тақлиф этилган нархнинг арzonлиги қиймати - 20 баллгача

Танлов предмети бўлган хизматни бажаришнинг муддати - 20 баллгача

Танлов комиссиясининг барча қарорлари қўпчилик овоз билан қабул қилинади, овозлар тенг бўлганда комиссия раисининг овози ҳал қилювчи ҳисобланади.

Танлов комиссияси томонидан танлов иштирокчилар тақдим этган маълумотлар нотўғрилниги аникланган ҳолда, танлов комиссияси ушбу танлов тақлифини рад қилишга ҳақли.

Танлов комиссияси танлов хужжатлари талабларидан тақлифдаги ахамиятсиз фарқларни этиборга олмасликка ҳақли, агарда улар бошқа қатнашчилар рейтингига таъсир килмаса.

Танлов комиссиясининг хар бир йигилишида баённома юритилади.


Танловга киритилмаган ёки рад қилинган (дисквалификация қилинган) тақлифлар баённомада қайт этилиб, уларни рад қилиш ёки дисквалификация қилиш сабаблари кўрсатилади.

Танлов комиссияси танлов тақлифларини батафсил ўрганиш ва баҳолаш учун баҳолаш гурухларини тузиш мумкин. Баҳолаш гурухларининг таркиби танлов комиссияси аъзолари билан биргаликда жалб қилинган эксперт ва консультатлар (танлов комиссиясининг қарори бўйича) киритилиши мумкин.

Ушбу талабнома Павел Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаб томонидан тузилган комиссия томонидан тузиб чиқилди.

Харид комиссияси раиси ва аъзолари таркиби

Харид комиссияси раиси




У.Хакимов

Харид комиссияси аъзоси



Ф.Зокиржонов

Харид комиссияси аъзоси



Тогаев Б

Харид комиссияси аъзоси



Ражабов Н

Харид комиссияси аъзоси



Б.Шокаримов

Харид комиссияси аъзоси



С.Кучкарова